# Марказий банк фирибгарлик ҳолатларидан эҳтиёт бўлишга чақиради

18 Дек 2020

Ахборот технологиялари кенг қўлланилаётган ҳамда молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларда масофавий хизмат кўрсатиш каналлари кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда ишонувчан ҳамда молиявий саводхонлик даражаси етарли бўлмаган фуқароларга нисбатан фирибгарлик ҳаракатлари кузатилмоқда.

Бу каби фирибгарлик ҳолатлари банк картаси эгасининг хабарисиз унинг карта ҳисобварағидан пул маблағини ечиб олиш, пароль ва ПИН-кодларни ўғирлаш ва бошқа ноқонуний фаолият турлари билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати фирибгарликнинг қуйидаги белгиларидан огоҳ бўлишга чақиради:

1. Ишонтириш мақсадида ўзини банк, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки бирон савдо ташкилотининг ходими сифатида таништирувчи бегона шахслардан қўнғироқ бўлиши, СМС-хабарнома ёки ижтимоий тармоқлар орқали турли хабарларнинг келиб тушиши;

2. Турли совғалар ғолибига айланиш, сизнинг фойдангизга ҳар қандай маблағларни ўтказиб бериш ёки товар ва хизматларни жозибадор шартларда сотиб олиш каби гўёки жуда фойдали ва кутилмаган имкониятларнинг таклиф этилиши;

3. Ютуқларни кейинчалик банк картасига ўтказиб бериш шарти билан турли хил сўровлар ва лотереяларда иштирок этиш таклиф қилиниши;

4. Ютуқларни қабул қилиш ёки товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мақсадида турли мобиль иловаларни ўрнатиш ёки ҳаволалар орқали банк картангиз ёхуд шахсий маълумотларингизни киритиш тўғрисида таклифлар берилиши;

5. Ҳисобварағингиздаги пул маблағлари йўқолиши мумкинлиги ҳақида қўрқитиш ва тезкор қарор қабул қилишга мажбурловчи руҳий босим ўтказиш ҳолатлари;

# Центральный банк призывает остерегаться мошенников

18 Дек 2020

В условиях использования информационных технологий и расширенной доступности дистанционных каналов во взаимодействиях с потребителями финансовых услуг распространяются также мошеннические действия, рассчитанные на доверчивых людей, а также на граждан с недостаточным уровнем финансовой грамотности.

Подобные мошеннические схемы как правило, связаны со списанием денег со счета без ведома владельца банковской карты, кражей паролей и ПИН-кодов.

В связи с чем, Служба защиты прав потребителей банковских услуг Центрального банка Республики Узбекистан предупреждает о характерных признаках мошеннических действий, в числе которых могут быть:

1. Звонок, СМС-сообщение или сообщение в социальных сетях от незнакомцев, которые для убедительности представляются сотрудниками банка, правоохранительных органов или какой-либо торговой организации;

2. Неожиданная возможность получения якобы очень выгодного предложения – выигрыша призов, любых выплат или предложение купить товар/услугу на выгодных условиях;

3. Предложение участвовать в опросах или лотереях, с последующим зачислением выигрыша на банковскую карту;

4. Предложение установить какое-либо мобильное приложение или пройти по ссылке и ввести свои карточные и другие персональные данные, в том числе для получения выигрышей, либо оплат за товары/услуги;

5. Оказание морального давления путем запугивания о возможной потере средств и принуждения к принятию быстрого решения;

6. Сообщение с неизвестного номера о пополнении вашего счета с последующим

6. Ҳисобингизга хатолик билан пул маблаға ўтказиб юборилганлиги ва ушбу маблағларни қайтаришни сўраб қўнғироқ қилиш ҳолатлари.

“Телефон фирибгарлари” ўйлаш учун вақт қолдирмай, турли гаплар билан чалғитиб, карта маълумотларингизни айёрлик билан қўлга киритади ёки ёлғонларига ишонтириб, пул маблағларини уларга ўз хоҳишингиз билан ўтказиб беришга ундайди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати фирибгарларнинг турли баҳоналар билан банк картангиз маълумотларини (карта рақами, ПИН-код, шунингдек, СМС-код ва бошқа шахсий маълумотлар) билиб олишга уринишларига жавоб бермасликка чақиради.

Шунингдек, банк ходимлари қўнғироқ қилиш, СМС-хабарнома ёки ижтимоий тармоқларда хабар юбориш орқали банк картаси эгасидан унинг картасига тегишли ва бошқа шахсий маълумотларни сўрамаслигини маълум қиламиз.

Фирибгарлар “тузоғи”га тушиб қолишнинг олдини олиш ва маблағларингиз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати қуйидагиларни тавсия қилади:

- Ўзини банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ёки бирон савдо ташкилоти ходими деб таништирган нотаниш фуқаролардан қўнғироқ бўлганда, уларнинг сўзларига ёки кўрсатмаларига амал қилишга шошилманг ва шахсий маълумотларингизни ошкор қилманг. Яхшиси, суҳбатни тугатинг ва қўнғироқ қилувчилар айтган ташкилот билан қайта боғланиб, улар томонидан сизга берилган маълумотларнинг тўғри ёки нотўғри эканига аниқлик киритинг;
- Ҳар қандай шароитда ҳам банк картангиз тўғрисидаги маълумотларни (карта рақами, ПИН-код, банк картасининг олд қисми расмлари) ҳамда ўз шахсий маълумотларингизни бегона фуқароларга ошкор қилманг ва юборманг;

звонком с просьбой вернуть ошибочно зачисленные средства.

Как правило, «телефонные мошенники» застают человека врасплох, не оставляют ему время подумать, выманивая данные карты или побуждая пострадавшего самостоятельно перевести деньги.

В связи с этим Служба защиты прав потребителей банковских услуг Центрального банка Республики Узбекистан призывает игнорировать попытки мошенников под разными предлогами узнать данные вашей банковской карты (номер карты, ПИН-код, а также СМС-код и другие персональные данные).

Также, сообщаем, что сотрудники банка не запрашивают у владельца банковской карты данные банковской карты и другие персональные данные посредством телефонных звонков, СМС-сообщений или сообщений в социальных сетях.

Во избежание случаев попадания в «ловушку» мошенников и обезопасить ваши средства, Служба защиты прав потребителей банковских услуг Центрального банка Республики Узбекистан рекомендует:

- Получив звонок от незнакомого вам человека, представившегося сотрудником банка, правоохранительных органов или какой-либо торговой организации не торопитесь следовать его инструкциям и не раскрывайте им свои персональные данные. Лучше завершите разговор, перезвоните в упомянутую звонящим организацию и уточните, информацию, которую вам сообщили;
- Ни при каких обстоятельствах не озвучивайте и не отправляйте незнакомым людям данные банковской карты (номер карты, ПИН-код, снимки лицевой части банковских карт) и персональные данные;
- Никогда не публикуйте, в том числе в социальных сетях, реквизиты платежной карты;
- Проверяйте наличие префикса HTTPS:// на сайтах, где требуется ввести

- Ўзингизга тегишли бўлган банк картаси маълумотларини ижтимоий тармоқларда эълон қилманг;
- Махфий маълумотларни киритишингиз, рўйхатдан ўтишингиз керак бўлган сайтларда HTTPS:// префикси мавжудлигини текширинг;
- Агар ташкилотларнинг сайти ёки саҳифаси ҳақиқийлигига шубҳа қилсангиз, ушбу ташкилот билан боғланинг ва маълумотларга аниқлик киритинг;
- Имзоланадиган барча ҳужжатларни диққат билан ўқинг, кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини қайта текширинг;
- Ушбу оддий тавсияларни ёши улуғ қариндошларингиз ва ўсмирларга тушунтириб боринг.

https://cbu.uz/oz/press_center/news/425173/

конфиденциальную информацию, зарегистрироваться;

- Если вы сомневаетесь, является ли сайт или страница организации фейковой, свяжитесь с данной организацией и уточните информацию;
- Внимательно читайте все подписываемые документы, сверяйте правильность указанных данных;
- Объясните пожилым родственникам и подросткам эти простые рекомендаци и.

https://cbu.uz/ru/press_center/news/425175/